# Ishonch

*Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!*

2023-yil
13-iyul
payshanba
№ 85 (4837)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan


## КУН нафаси

◆ 12 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф телефон орқали мулоқот қилдилар. Покистон етакчиси давлатимиз раҳбарини бўлиб ўтган Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий қутлаб, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади.



◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) бош котиби Зураб Пололикашвилини қабул қилди.



◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Арманистон Республикаси Бош вазири Николь Пашинян билан 12 июль куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида икки томонлама муносабатлар, энг аввало, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Арманистон ҳукумати раҳбари мамлакатимиз етакчисини Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан табриклаб, катта муваффақиятлар ва бахт-саодат тилади.




◆ «Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.



◆ Президент қарори билан Баҳодир Абдикаримов Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги директори лавозимига тайинланди.



◆ Юй Цзюн Хитойнинг Ўзбекистондаги янги элчиси этиб тайинланди. Бу ҳақда Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси сайтида хабар берилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов ва Саудия Арабистонининг «ACWA Power» компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайян ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Фотолавҳа




Носиржон ҲАЙДАРОВ олган сурат.




**2014 йилдан буён «Трастбанк»нинг Наманган филиалида ишлаб келган Гулнора Казакованинг ҳомиладорлиги, ёлғиз аёллиги ҳам инобатга олинмай, иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилинди.**

**Касаба уюшма аралашгач...**

## ХОДИМА ИШГА ТИКЛАНДИ

Ишдан бўшаш тўғрисидаги буйруққа эса Г.Казакова билан тузилган меҳнат шартномаси «ходимнинг хоҳиши билан бекор қилинсин», деган жумла тиркалган.

Банк ходимаси, аризани ўз ташаббусига кўра ёзмаганини, иш жараёнида камчиликка йўл қўйгани сабабли унга берилган ҳайфсанга имзо чекканини билишинигина таъкидлайди.

– Ушбу ҳолат бўйича ўрганишларда иш берувчи ходимга босим ўтказгани гувоҳлар томонидан тасдиқланди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши меҳнат-ҳуқуқ инспектори Баҳром Раҳимбердиев. – «Аризасини ёзмаса, ҳеч қаерга ишга олмайдиган қилиб қўйиш» билан пўписа қилган бошлиқни ходимнинг оилавий шароити, ҳомиладорлиги ҳам қизиқтирмаган. Қонунчиликда ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинган меҳнат шартномаси икки ҳафталик муддат давомида у аризасини қайтариб олса, ўз вазифасини давом эттириши мумкинлиги қайд этилган. Шунингдек, бу ўринда Меҳнат кодекси талаби ҳам иш берувчи томонидан бузилган.

Маълум бўлишича, раҳбарнинг ходимга «Аризангни ёз» дейишига ўтган йил октябрь ойида у иш жараёнида мижозга хизмат кўрсатишда камчиликка йўл қўйгани сабаб бўлган. Бироқ банкка нисбатан ёки мижозга нисбатан ҳеч қандай зарар етказилмаган, бундан ташқари, Гулнора Казакова айнан ўша даврда ҳомиладор бўлган. Шу ҳолатлар инобатга олиниб, уни ишга тиклаш тўғрисида хулоса берилди. Шундай қилиб, банк ходимаси ишга тикланди.

**Орзугул РУСТАМОВА**
«ISHONCH»




Тадбир

## Нуронийлар даврасида



Термиз шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши ҳамда вилоят «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида «Нуронийларга эъзоз ва эҳтиром» номли маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда воҳа тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган фидойи инсонлар, меҳнат ва касаба уюшма фахрийлари, кексалик гаштини сураётган нуроний отахон ва онахонлар иштирок этишди.

Тантанада сўзга чиққанлар кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни алоҳида эътироф этиш билан бирга, нуронийларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан бениҳоя хурсанд эканликларини мамнуният билан таъкидлашди.

**Рустам ДАВЛАТОВ**
«ISHONCH»

**Ўткир РАҲМАТ**

## Карвон шитоб айлар...

*Нурафшон тонг отди Она юрт узра,*
*Борлиқни яшнатди нурлар жилоси.*
*Карвон шитоб айлар узоқни кўзлаб,*
*Эзгулик, истиқбол чин муддаоси.*

*Аслида янгимас, қадим бу карвон,*
*Не-не давронларнинг шонли гувоҳи.*
*Ҳар қадам манзилга элтади, чунон,*
*Ҳушёр кузатади сарбон нигоҳи.*

*Олисдан чорлайди юксак чўққилар,*
*Мўйсафид тоғлари барваста, ўктам.*
*Уйғонган дилларни ишонч тўқ қилар,*
*Ғуруру ифтихор жўш урар шу дам.*

*Кўзлагани нурли, янги манзиллар,*
*Олдинда кутади нечалаб довон.*
*Ўзликдан улғайиб бугун кўнгиллар,*
*Бирлашиб бормоқда бир мақсад томон.*

*Мангу хазинадир асли бу Ватан,*
*Маъданлар гуллатган юрт тупроқлари.*
*Манзилга албатта етамиз, деб шаън,*
*Жаранглар карвоннинг қўнғироқлари.*

*Заҳматсиз оромда топилмас роҳат,*
*Бировлар қўёлмас ниятларга чек.*
*Шу она заминга меҳр, садоқат*
*Бўлмаган ҳеч кимда фарзандларидек.*

*Қайдадир кўнгли ёв ёмон кўз тикар,*
*Балки қанча ташвиш тўсар йўлимиз.*
*Тирноқлар остидан кимдир кир излар,*
*Баланд келар бироқ бизнинг қўлимиз.*

*Аждодлар истаган бу бахт, бу онни,*
*Асрайлик, офат, ғам, ёмғиру қордан.*
*Ҳеч ким тўхтатолмас улуғ карвонни*
*Омон олиб ўтсак қароқчилардан.*

*Ҳеч қачон бермагай ўзгага сўзин,*
*Ҳеч қачон чўкмагай ўзгаларга тиз.*
*Қўллаб давримизнинг улуғ овозин,*
*Якдил овоз бўлиб яшагайдирмиз.*

*Чекингай, шубҳасиз, машаққат, заҳмат,*
*Тунларин ёритсак, порлоқ тонг бўлиб.*
*Дориламон кунга етамиз албат,*
*Битта вужуд бўлиб, битта жон бўлиб.*

*Чиқамиз албатта шон отлиғ тахтга,*
*Ўксинмас қалбимиз, синмас созимиз.*
*Бу карвон элимиз элтажак бахтга,*
*Бу Ватан – бизларнинг ҳур овозимиз!*

*...Карвон эса шитоб айлар бетиним,*
*Ишончу саодат муҳаббатга ёр.*
*Диллар ҳаловатда топди чин қўним,*
*Чунки жаҳонаро овозимиз бор.*

*Бу миллат толеи тўлган зиёга,*
*Йўл аён, эл аҳил, сарбони одил.*
*Қўлларини очиб мудом дуога*
*Асрлар тилайди карвонга оқ йўл!*


КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...



ПАХТАБОШИЛИКЛАР НИМАДАН ХАВОТИРДА?
Қурилишдаги қинғирликлар туфайли муаммолар гирдобида қолган қишлоқ аҳли дардини кимга айтишни билмаяпти



www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi

https://t.me/ishonchgz

Фарғона вилояти

Жараён

# 90 нафар хотин-қизнинг муаммоси ҳал этилди

***Ўзбекистон туманида ишсиз, доимий даромадга эга бўлмаган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бор, кам таъминланган, фарзандларини ёлғиз ўзи тарбиялаётган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш доирасида манзилли ишлар олиб борилмоқда.***





Хусусан, яқинда «Аёллар дафтари»га кирган, тадбиркорлик қилиш истагини билдирган, ишсиз, эҳтиёжманд 90 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув машиналари ва замонавий печлар топширилди.

– Оилада турмуш ўртоғим, 2 нафар вояга етмаган фарзандим, қайнота ва қайнонам билан яшаймиз, – дейди «Яккатут» маҳалласида истиқомат қилувчи Наимахон Умарова. – Қайнота ва қайнонамнинг жисмоний имконияти чекланган. Гапирмайди, эшитмайди. Турмуш ўртоғим ҳам II гуруҳ ногирони. Ўрганишлар давомида ишчи гуруҳ аъзолари мени «Аёллар дафтари» рўйхатига олишди. Бу вақт ичида пишириқ, турли ширинликлар тайёрлашни ўргандим. Устига-устак, даромад топишим учун субсидия асосида замонавий пиширгич топширилди. Энди эгаллаган ҳунарим шарофати билан оиламга даромад олиб кириш имконияти пайдо бўлди.

Наимахон каби «Аёллар дафтари»га кирган 45 нафар хотин-қизга нон маҳсулотларини пиширувчи замонавий печлар, яна 45 нафарига эса тикув машиналари топширилди.

Умуман олганда, туман миқёсида «Аёллар дафтари»га кирган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг доимий даромадга эга бўлишлари учун кўмаклашиш ишлари давом этмоқда.

**Жамшид ЭРГАШЕВ**
«ISHONCH»

Навоий вилояти

# Натижалар кўнгилдагидек

**«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва бартараф этиш борасида Навбаҳор туманида ижобий натижаларга эришилмоқда.**

Шу йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, туманда 4-босқич доирасида дафтарга киритилган 3 минг 975 нафар хотин-қиздан 3 минг 186 нафарининг муаммолари тўлиқ ўрганилиб, ҳал этилди. Уй-жойга муҳтожларни бошпана билан таъминлаш, ижара компенсацияларини тўлаб бериш ҳамда қарамоғида ногирон фарзанди бор аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги йиллик вазифалар 6 ой ичида тўлиқ бажарилди.

**Нормурод МУСОМОВ**
«ISHONCH»

Андижон вилояти

**«Аёллар дафтари» шакллантирилаётганда Пахтаобод тумани «Сой» маҳалласида яшовчи Раънохон Раҳимбердиеванинг оилавий шароити обдон ўрганилган эди. Унинг I гуруҳ ногирони ва мураккаб жарроҳлик амалиётига муҳтожлиги ҳисобга олиниб, даволанишига 5,5 миллион сўм ажратилди.**

# Кўзларга нур, дилларга ишонч бағишлаб...

Меҳр, эътибор Раънохоннинг кўзларига нур бағишлади.

Келини Жўрахон қисқа муддатли касб-ҳунар ўрганиш марказида тикувчиликни ўрганди. Унга субсидия асосида тикув машинаси берилди. Арғамчига қил қувват деганларидек, оила аъзолари томорқасидаги субсидия асосида қуриб берилган иссиқхонада ва узоқ муддатга ижарага ажратилган ерда деҳқончилик қилиб, рўзғорга барака киритишяпти.

Энди бу оилада тушкун кайфият йўқ. Ҳамма ҳаракатда, қизғин меҳнат қучоғида.

Шу маҳалладаги Манзура Ашурова ҳам узоқ вақтдан бери буйрак етишмовчилигидан азият чекарди. Унинг дардига ҳам «Аёллар дафтари» малҳам бўлди. Ишчи гуруҳ оилавий шароитини ўргангач, жарроҳлик амалиёти учун маблағ ажратишга қарор қилинди. Бу орада ногиронлиги бўлган қизи ҳам эътибордан четда қолмади. Унга субсидия асосида тикув машинаси берилди. Айни кунларда у маҳалладаги «Сойчевар қизлари» корхонасининг буюртмасини бажармоқда.

– «Аёллар дафтари»га киритилган имконияти чекланган хотин-қизларнинг тўлақонли ҳаётга қайтаришни мақсад қилганмиз, – дейди Пахтаобод тумани ҳокими ўринбосари Раъно Исроилова. – Бунинг учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Пахтаобод туманида «Аёллар дафтари»даги хотин-қизларнинг даволанишлари учун жорий йилнинг ўтган даврида 563 нафарига тиббий ёрдам кўрсатилган, улардан 194 нафари стационар ёки амбулатор даволанди. Яна 47 нафар хотин-қизга шифохонага бепул ордер берилиб, 115 нафари дори-дармон билан таъминланди.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Кўрик-танлов

# Мақсад – хавфсиз меҳнат шароити яратиш

**Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тармоқдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси ҳуқуқлари ҳимоясига бағишланган республика кўрик-танлови ўтказилди. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад тармоқда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишдан иборатдир.**



Кўрик-танлов икки босқичда ташкил этилди. Танлов шартларининг биринчи босқичидан муваффақиятли ўтган ғолиблар кейинги синовларга йўл олишди. 27 та корхона ва ташкилот вакиллари турли номинациялар остида беллашишди.

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг ишчи комиссияси ғолибларни аниқлашда корхоналардаги меҳнат муҳофазаси кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, бу йўналишда корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан амалга оширилган ишлар, жамоа шартномасида қайд этилган тадбирларнинг бажарилиши, меҳнат шароитларини яхшилаш учун сарфланган маблағлар бўйича маълумотлар ўрганилди.

Танлов иштирокчилари кўрик талабларидан келиб чиқиб, меҳнат муҳофазаси акс эттирилган фотоальбомларни ҳам тақдим этишди.

Кўрик-танловда тизим корхоналарида меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назорати амалга оширилишига, шунингдек, ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилди.

Ғолиблар тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА**
«ISHONCH»

Эҳтиром

# Умр дафтарини безаган эзгулик

**Яхши инсон умр дафтарини мудом эзгу амаллар безаб туради. Бу дафтар эса баъзан-баъзан, жумладан, умр довонларига чиқилганида варақланади.**

Яқинда касаба уюшмалари фахрийси Маъмура Адилова 70 ёшга тўлди. Ўша кунлари яқинлари, касбдошлари, дўстларининг табриклари, эзгу тилаклари сабаб бу дафтар яна бир варақланди, хотиралар ёдга олинди.

Унда эса жуда кўп эзгу амаллар битилган эди...

Маъмура Адилова узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида кўп яхши хотираларга муносиб ишларни амалга оширган. Пойтахтимиздаги «Қизил тонг» фабрикасида оддий тикувчиликдан иш бошлаган Маъмура опа цех мастери, бўлим бошлиғи, депутат сифатида иш юритди. Кейинги фаолияти эса одамларнинг оғирини енгил қилиш, ишчи-ходимларнинг дарду ташвишлари, қувончу шодликларига доимо елкадош бўлиш, яъни касаба уюшмалари билан боғланиб кетди.

Бугун нуроний онахон билан суҳбатлашсангиз, умр ва фаолият дафтарининг ана шу саҳифаларидаги битикларни фахр билан сўзлаб беради.

Опа 1988-1996 йилларда нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона бўлган «Қизил тонг» фабрикасида касаба уюшма раиси вазифасида эътирофга лойиқ ишларни



амалга оширди.

Айниқса, 2010 йилгача Енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашига раислик қилган даври М.Адилова учун унутилмас ёрқин хотираларга бой бўлди. Ҳамкасбларининг эслашича, меҳнат фахрийси шу йиллар давомида ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, саломатлигини тиклаш, дам олишларини ташкиллаштириш каби ижтимоий масалаларда жонбозлик ва ташаббус кўрсатди.

– Маъмура опанинг ишлари, фазилатлари ҳақида узоқ гапириш мумкин, – дейди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси Садриддин Сайфуллаев. – Айниқса, енгил саноат ва коммунал соҳани оёққа турғизиш борасида кўрсатган жонбозлиги ҳали-ҳануз ҳаммамизнинг ёдимизда. Боқувчисини йўқотган аёлларга меҳр бериш, бизнинг ҳам ҳиссамиз бўлсин деб, болалар уйларига, ўқув йили бошланиши арафасида эҳтиёжманд оила фарзандларига кийим-кечаклар юбориш анъана тусига айланди. Умуман, опанинг узоқ йиллик фаолияти намуна бўлишга арзийди.

– 2008 йилда Маъмура опа давлат дастури ижроси бўйича 3 ой вилоятимизда хизмат сафарида бўлдилар, – дея эслайди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти бирлашган қўмитаси раиси Илҳом Омонов. – Қарши чўлларида олис қишлоқлар ва мактабларни обдон ўрганиб чиқди. Юзага келган вазият чуқур таҳлил қилиниб, мутасаддилар олдига вазифалар қўйилди, опанинг ташаббуси билан ишлар жадаллашиб кетди.

Кўплаб инсонлар, ҳамкасблари опани олқишларга тўла ширин хотиралар билан эслашади, ҳалигача турли тадбирлар, тақдирлаш маросимларига чақиришади.

Бугун Маъмура опа яқинлари, фарзандлари ва набиралари ардоғида.

– Онам учун одамларга яхшилик қилишдан кўра эзгу амал йўқ, – дейди ўғли Марат Адилов. – Танимаган инсонга ҳам қўлларидан келган ёрдамни аямайдилар. Кейинги йилларда Миробод туманидаги «Мовароуннаҳр» маҳалласига раис бўлиб ишладилар. Ҳозиргача маҳалладан телефон қилишади, ҳалигача у ёки бу иш бўйича маслаҳат сўрашади, йўқлашади. Умуман олганда, оиламиз учун онам ибрат намунаси, ҳар бир сўзлари, маслаҳат ва ўгитлари биз учун катта ҳаёт мактаби.

Яқинда 70 ёшини қаршилаган меҳнат фахрийсига Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Улуғбек Муҳамедов ҳам илиқ сўзларини билдирди, жамоа номидан табрик йўллади. Унда Маъмура Адиловага нисбатан қуйидаги таърифлар битилган эди: ўз касбининг фидойи ва жонкуяри, катта тажриба эгаси, намунали оила бекаси, меҳрибон она ва буви...

Бу таърифлар ҳаёти мазмунини фақат одамларга яхшилик қилишда, деб билган инсон учун ниҳоятда мос ва ўз ўрнида айтилган эди.

Халқимиз етмиш ёшни донишмандлик довони дейди. Бу қутлуғ довондаги тилагимиз шуки, умр дафтарингизни яна ва яна эзгуликлар битиги безаб бораверсин.

**Гулрухбегим ОДАШБОЕВА**
«ISHONCH»

# Оламда

## Байден ва Эрдоған нималарни муҳокама қилишди?




АҚШ ва Туркия Президентлари Жо Байден ва Режеп Таййип Эрдоған Вильнюс саммити доирасида учрашиб, Украинани қўллаб-қувватлаш, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Швециянинг Шимолий Атлантика альянсига қўшилиши масалаларини муҳокама қилишган.

Оқ уй матбуот хизматининг хабар беришича, Байден Эрдоғанни Швеция Бош вазири Ульф Кристерссон ва НАТО Бош котиби Йенс Столтенберг билан Швециянинг НАТОга кириши ҳақидаги протоколни ратификация қилиш учун парламентга тақдим этиш бўйича келишувга эришгани билан табриклаган.

Томонлар, шунингдек, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, стратегик механизм доирасидаги маслаҳатлашувнинг сўнгги даврасини олқишлаш, мудофаа ва иқтисодиёт соҳаларидаги устувор масалалар юзасидан ҳам фикр алмашган.

## КХДР яна баллистик ракета учирди

Шимолий Корея 12 июль куни Япон денгизи томон битта узоқ масофали баллистик ракета учирди. Бу ҳақда Корея Республикаси Қуролли кучлари штаб бошқармалари қўмитасига таяниб, «Yonhap» агентлиги хабар берди.

Япония ҳукумати шу муносабат билан норозилик билдирган. Вазирлар Маҳкамаси бош котиби Хирокадзу Мацунонинг аниқлик киритишича, ракета Пхеньян яқинидаги ҳududдан шарқий йўналишда учирилган. У 74 дақиқа давомида ҳавода бўлган ва Япониянинг эксклюзив иқтисодий зонасидан ташқарида, Хоккайдодан 250 километр узоқликда қулаган. Ракетанинг максимал парвоз баландлиги олти минг километр, парвоз масофаси бир минг километрдан ошиқ бўлган.




«Киодо» агентлигининг маълум қилишича, Шимолий Корея сўнгги марта 15 июнь куни ракета учирган эди.

## ЖАРда қор



Жанубий Африка Республикаси пойтахти Йоханнесбург аҳолиси 10 июль куни эрталаб ташқарида ноодатий манзарага гувоҳ бўлишди. Шаҳар сўнгги 10 йилда илк бор қорга бурканди, деб ёзди Africa News нашри.

Синоптикларнинг маълум қилишича, Жанубий Африка пойтахти ҳамда мамлакатнинг тоғли ҳудудларига совуқ оқим кириб келган. Қор ёғиши мамлакатнинг кўплаб ҳудудларида, жумладан, Шарқий Кейп, Мпумалангу ва Гаутенг вилоятларида ҳам кузатилган.

Бундай об-ҳаво ЖАР учун кутилмаган ҳолат ҳисобланади. Сўнгги қорли об-ҳаво мазкур диёрда 1996 йил ва 2012 ларда кузатилган.

Фарғона вилояти

«Ishonch»га жавоб берадилар

# Муаммо қишгача бартараф этилади

**«ISHONCH» ГАЗЕТАСИНИНГ 2023 ЙИЛ 10 ИЮНДАГИ СОНИДА «ЎГАЙ» ҚИШЛОҚЛАРГА ҚАЧОН ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ?» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЧОП ЭТИЛГАН ЭДИ. МАЗКУР МАҚОЛАГА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУЙИДАГИЧА МУНОСАБАТ БИЛДИРДИ:**

Мақола ҳокимликнинг ишчи гуруҳи томонидан жойида ўрганиб чиқилди.

Учкўприк тумани, «Бобошбек» МФЙдаги Қўрғонча ва Усмонбек қишлоқларидаги хонадонлар 35/10кВли «Шодлик» нимстанциясидан чиқувчи 10 кВли «Кенегас» ҳаво узатмасидан 81-сонли (қуввати 100 кВА), 225-сонли (қуввати 100 кВА) ҳамда 611-сонли (қуввати 160 кВА) трансформатор пунктлари орқали электр энергияси билан таъминланган.

«Бобошбек» МФЙ, Усмонбек қишлоғидаги аҳоли хонадонларининг электр таъминотини яхшилаш мақсадида (ПҚ-408-сонли қарорига асосан) қуввати 160 кВАли трансформатор пункти ўрнатилиб, 1,1 км. (0,4-10 кВли) электр тармоқлари қурилди ҳамда жорий йилнинг июнь ойида фойдаланишга топширилди. Ҳозир Усмонбек қишлоғида яшовчи аҳолига электр энергияси етказиб бериш сифати яхшиланди.

«Бобошбек» МФЙ, Қўрғонча қишлоғидаги қуввати 100 кВА бўлган 81-сонли трансформатор пунктига 70 нафар истеъмолчи уланган бўлиб, Учкўприк ТЭТК томонидан аҳолига электр энергиясини сифатли етказиб бериш мақсадида 2022 йилда трансформатор пункти юкламалар марказига кўчирилган.

«Фарғона электр тармоқлари ҳудудий корхонаси» АЖ томонидан жорий йилнинг 4-чорагида Қўрғонча қишлоғидаги қўлбола симёғочларни ва яроқсиз симларни янгилаш ва қуввати 100 кВАли трансформаторни қуввати 160 кВАли трансформаторга алмаштириш режалаштирилганини маълум қиламиз.




Тажриба
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик:
Ургутда янги тизим қандай ишламоқда?
«ЎГАЙ» қишлоқларга қачон эътибор қаратилади?

**Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Х.ИСАҚОВ**

# Масала ечими лойиҳада

**«ISHONCH» ГАЗЕТАСИНИНГ ШУ ЙИЛ 20 ИЮНДАГИ СОНИДА «ШИФОКОРЛАРНИ «ЁЗУВЧИ»ГА АЙЛАНТИРАЁТГАН БУЙРУҚ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЧОП ЭТИЛГАН ЭДИ. УНДА КЎТАРИЛГАН МАСАЛАГА ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚУЙИДАГИЧА МУНОСАБАТ БИЛДИРДИ:**

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли «Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 4а-иловасига асосан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг тузилмаси тасдиқланган.

Ушбу тузилмага асосан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари таркибига реанимация бўлимлари киритилган.

Шунга асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, реанимация бўлимларида ишловчи тиббиёт ходимларига иш ҳақи тўлаш шошилинч тиббий ёрдам хизмати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби асосида амалга оширилган.

Президентнинг 2022 йил 16 июндаги ПҚ-283-сонли қарорига асосан марказий туман (шаҳар, шифохоналарининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимларидаги ўринлари педиатрия, терапия ва хирургия бўлимлари таркибига ўтказилиб, беморларни касалликнинг оғирлик даражаси бўйича тақсимлайдиган (триаж) туну кун ишлайдиган шошилинч қабул бўлими ташкил этиш белгиланган.

Мазкур қарорга асосан туман (шаҳар) шифохоналарининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимларидаги ўринлар сони педиатрия, терапия ва хирургия бўлимлари таркибига ўтказилгани сабабли унинг таркибидаги реанимация ўрин сони ҳам мутаносиб равишда ушбу бўлимларга ўтказилади ва шундан келиб чиқиб, туман тиббиёт бирлашмалари таркибидаги реанимация бўлимлари 2-гуруҳга туширилган ҳолда ходимлар меҳнатига ҳақ тўланиши лозим бўлмоқда.

Мазкур масалада кўплаб мурожаатлар бўлгани, шунингдек, аниқланган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йил 25 апрелдаги 21/1-06025-сонли хат орқали Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишли таклифлар юборилган.

Жумладан, туман тиббиёт марказларида иш юкламалари кўриб чиқилиб, қайта тақсимланган ҳолда мазкур ҳолатларда аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилиб, таклифлар, таҳлилий материаллар ва бошқа зарур маълумотлар билан биргаликда белгиланган тартибда кўриб чиқишга тайёр экани маълум қилинди.

Шунга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизим орқали «Соғлиқни сақлаш тизимидаги бюджет муассасалари тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ташкил этиш ҳамда уларга рағбатлантириш, устама ва бошқа қўшимча тўловларнинг белгиланишини такомиллаштириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.

Ушбу лойиҳада туманлар (шаҳарлар) тиббиёт бирлашмаларининг таркибидаги «Қабул-emergency departament бўлимлари» ҳамда реанимация бўлимлари (юқумли касалликлар, болалар ва туғуруқ реанимация бўлимларидан ташқари) ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда муассасаларнинг 4-гуруҳи учун тегишли разряд тариф ставкасига 1,15 тузатиш коэффициенти белгиланиши назарда тутилган.


ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ
Диққатга сазовор жойдаги «ДИҚҚАТГА САЗОВОР» манзаралар
ШИФОКОРЛАРНИ «ёзувчи»га айлантираётган буйруқ

**Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари А.КАРИМОВ**

Эълонлар

# «SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Мулкнинг бошланғич баҳоси қадамма-қадам ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Сурхондарёпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик жамиятига тегишли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 2015 йилда ишлаб чиқарилган, 75 498 СВА давлат рақамли, техник таъмирталаб ва носоз ҳолатдаги «COBALT LS» автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 46 003 000 сўм.**

2. 2016 йилда ишлаб чиқарилган, 75 502 СВА давлат рақамли, техник таъмирталаб ва носоз ҳолатдаги «COBALT LS» автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 38 004 000 сўм.**

3. 2017 йилда ишлаб чиқарилган, 75 500 ААА давлат рақамли, техник таъмирталаб ва носоз ҳолатдаги «CAPTIVA 2» автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 107 003 000 сўм.**

Савдолар 2023 йил 27 июль куни соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 162-уй, 1-хонадонда очиқ аукцион комиссияси иштирокида ўтказилади.

Юқоридаги мулк 2023 йил 27 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо ғолиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажарилмаса, такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилинади.

Талабгорлар автотранспорт воситалари билан «Сурхондарёпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик жамияти ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим этиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолашлари лозим. Закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 2 (икки) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобрақамига (банк: «Трастбанк»нинг Термиз филиали, МФО: СТИР: 303477661, ҳ/р: 01063 2020 8000 1005 1270 9001) тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўлангани ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

**Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил:** Термиз шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 162-уй, 1-хонадон. **Телефон:** +998 (76) 221-90-36.

**Гувоҳнома № 903**

Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳри, «Сабо» маҳалласи, Мевазор кўчаси, 1-уй учун Гафурова Марҳабо Турғун қизи номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Андижон давлат университети ходимлари ва талабалари касаба уюшма қўмитаси раиси Мирзабаҳром Ботировга отаси

**Абдуқаҳҳор БОТИРОВ**

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳри

Молия муассасаларида

# ТРАНСФОРМАЦИЯ жараёни қандай кечмоқда?

**Пойтахтимизда бўлиб ўтаётган халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги доирасида «АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»да трансформация: замонавий қиёфа ва янги давр» мавзусида тақдимот маросими ўтказилди.**



1994 йилда асос солинган банк ўтган йиллар ичида самарали фаолияти туфайли қатор миллий ва халқаро эътирофларга эришди. Айни пайтда банкда трансформация жараёни, яъни янги хизматларни жорий этиш ва замонавий банк моделини ишлаб чиқиш босқичлари кечмоқда.

Ҳозир молия муассасаси 1 млн. 566 минг 296 нафар мижозга хизмат кўрсатмоқда. Банк ўз капитали бўйича мамлакатнинг энг йирик банклари ўнталигига киради.

Бугунги кунда банк халқаро молия институтлари билан алоқаларини мустаҳкамламоқда. Жумладан, банкнинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси ва уни амалга ошириш йўл харитаси халқаро консалтинг компанияси PWC билан биргаликда ишлаб чиқилган. Айни пайтда ушбу фаолиятни амалга оширишда молия муассасаси Осиё тараққиёт банки, PWC, Ernst&Young консалтинг компанияси ва DELOITTE халқаро ташкилоти билан ҳамкорлик қилмоқда.

– Трансформация жараёнида хизмат кўрсатишнинг содда ва қулай турларини ишга туширишимиз туфайли иш вақти тежалишига ҳамда аҳолига сифатли хизмат кўрсатилишига эришдик, – дейди Лойиҳалаш офиси ва инновация департаменти эксперти Ойбек Жалилов.

Мижозларга яратилган қулайликлардан бири хизмат кўрсатиш менежерлари универсаллашгани, яъни барча хизмат турларининг бир дарчада жамлангани бўлди. Эндиликда универсал менежерлар ва чакана касса ходимлари узлуксиз равишда, кун бўйи танаффусларсиз соат 8:00 дан 18:00 гача жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади.

Барча саъй-ҳаракатлар замирида капитални ошириш, хизмат турларини кўпайтириш ва яхшилаш ҳамда мижозларнинг ишончини қозониш ётади.

**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА**
«ISHONCH»

# бугун...

## Хитой ойга одам жўнатмоқчи



Хитой 2030 йилга бориб, Ойга одам юборишни режалаштирмоқда. Бундан мақсад Ернинг табиий йўлдоши юзасида илмий-тадқиқот ўтказишдир.

«Чжунго жибао» газетаси ХХР фазовий парвоз дастури бошқармаси бош муҳандиси ўринбосари Чжан Хайляннинг шу ҳақдаги сўзларини келтирди.

Таъкидланишича, Ойга одам жўнатишда иккита ракета-ташувчидан фойдаланилади. Чжан Хайляннинг маълум қилишича, бу вазифани муваффақиятли бажариш учун хитойлик тадқиқотчилар янги техника, жумладан, «Чанчжэн-10» ракета-ташувчи, одам бошқарадиган янги авлод фазо кемаси, луноход ҳамда Ойга қўнадиган модуль яратиш устида иш олиб боришяпти.

## АҚШ ЮНЕСКОга қайтди




АҚШнинг ЮНЕСКОга қайтиш жараёни якунланди, Қўшма Штатлар ташкилотнинг 194-аъзоси сифатида қабул қилинди. Бу ҳақда ЮНЕСКО матбуот хизмати хабар берди.

Қайд этилишича, ЮНЕСКО Бош котиби Одри Азуле 9 июль куни Америка томони билан телефон орқали мулоқот қилган. Вашингтон ЮНЕСКОнинг низомини қабул қилиш бўйича тегишли ҳужжатларни имзолагани айтилган.

2011 йилда Вашингтон БМТ аъзоси бўлмаган Фаластинга тўлақонли аъзолик бериш қароридан норозилик билдириб, ЮНЕСКОни молиялаштиришни тўхтатишини эълон қилган эди.

2017 йил 12 октябрда Президент Дональд Трамп маъмурияти ЮНЕСКО қароргоҳига мактуб йўллаб, мамлакатининг ташкилотдан расман чиққани ҳақида маълум қилган.

Қўшма Штатларнинг ЮНЕСКОга аъзолиги 2018 йил 31 декабрдан тўхтатилган эди.

## Европада жазирама

Шу кунларда иссиқ ҳаво тўлқини Европанинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган. Хусусан, Франциянинг бир неча департаментида тўқ сариқ – хавфли режим эълон қилинди.

Лионда якшанба куни ҳаво Цельсий ўлчами бўйича 38 даражага чиқди. «Метео Франсе» экспертлари фикрича, айни ҳолат ёз мавсуми учун истисно эмас, бироқ, барибир, бир неча кун давом этадиган жазирама тўлқини алоҳида ҳушёрлик талаб этади.

Масалан, Польшада 30 даража кузатилди. Мутахассислар одамларга кўчага чиқмасликни, кўп сув ичишни маслаҳат беришяпти.




Италияда жазирама кучайган. Испания ва Португалия ҳавоси яқин кунларда 40 даражадан ошиши кутилмоқда.

Дарвоқе, ўтган йил Европада ғайритабиий иссиқ ҳаво тўлқини 15 минг нафарга яқин одамни ҳалок қилган эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Мушоҳада

**Яқинда ижтимоий тармоқларда бир хабар роса муҳокама бўлди: «...эркак асраб олган 13 ёшли қизини зўрлади...». Мен ҳам ушбу хабарни ўқиганимда титраб кетдим. Вояга етмаган, боз устига, «қизи» деб ёзилган эди. Наҳотки, инсон ўз нафсига шунчалик қул бўлса? Наҳотки, ўз дилбандига шундай муносабат кўрсатса?...**



# Оқ қоғозга бахт сўзлари ёзилсин

Умуман, кейинги вақтларда шу каби хабарларга тез-тез кўзимиз тушяпти. Ҳали қаердадир Оилавий болалар уйининг норасида қизларини туман раҳбарлари зўрлаган, ҳали қаердадир қария ўсмирга тегажоқлик қилган...

Балки бу ҳолатлар олдинлари ҳам бўлгандир. Балки бугун ахборот замонида биз улардан кўпроқ хабардор бўлаётгандирмиз. Аммо, не бўлганда ҳам, бу даҳшатнинг ўзгинаси!

Ахир қиз боланинг ҳаёти оқ қоғозга ўхшайди. Ота-она фарзандини гард юқмаслиги учун асраб авайлайди. Минг йиллар давомида инсоният ботинига синган ақидалар сабаб қизлар ҳам номуси, шаънига доғ туширмасликка ҳаракат қилишади.

Афсуски, ўз нафси, бузуқ хаёли билан шу оқ қоғозга ўзининг қора қилмишларини ёзишни истаганлар ҳам топилади ва топилмоқда.

Дейлик, ўша 13 ёшли қизалоққа тегинган эркакка тегишли жазо белгиланди. У 12 йилга қамалди. Аммо у бир қизнинг умрини, орзуларини барбод этиб бўлган эди. Назаримда, бу жазо камдек.

Фикримча, бундай вазиятларнинг кўпайишига ижтимоий тармоқларда шу мазмунда тарқалаётган хабарлар ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Фалсафада «онг ости» назарияси мавжуд. Бу каби хабарлар бора-бора инсон миясида ўрнашиб, шу қабиҳ ишга етаклаши ҳам мумкин.

Умуман олганда, кейинги вақтларда интернет сайтларида ҳам, ижтимоий тармоқларда ҳам ёвузлик акс этган хабарлар кўпайиб кетди. Аслида бу жамиятда айнан шундай ҳолатлар кўпайганини эмас, омманинг қизиқишидан келиб чиқиб, шундай воқеликларни ёритишга интилиш кучайганидан далолатдир.

Демоқчиманки, ҳаётнинг яхши томонларига, меҳр-оқибат, эзгулик ва яхшиликка ҳам эътиборлироқ бўлайлик. Биз яхшилик ҳақида қанча кўп сўзласак, олам шунча яхшиланади.

Фикрим якунида айтмоқчи эдимки, қиз боланинг ҳаёти оқ қоғоз мисол. Унга эса фақат бахт сўзлари ёзилсин. Бунга барчамиз, бутун жамият масъуллигини унутмайлик!

**Зебунисо ОРЗИҚУЛОВА,**
ЎзЖОКУ талабаси

Футбол

# ЖАНОБ, БИЗНИНГ ШОМУРОДОВГА ТОШ ОТМАНГ!



**Италиялик спорт журналистларидан бири Массимо Франки ижтимоий тармоқларда «Рома» ҳужумчиси, ҳамюртимиз Элдор Шомуродовга жуда катта тош отди. Унинг таъкидлашича, Элдорнинг маҳорати Италия А серияси талабларига жавоб бермас эмиш. Франки ҳамюртимизнинг ҳозирги ҳолатини паст баҳолаш билан бирга, Ўзбекистон футболининг бугунги даражасини ҳам ерга урган.**

Аслида Элдор Европанинг ҳар қандай жамоасида ўйнаб кета оладиган футболчи. Буни у 2020 йилдаёқ исботлаб қўйганди. Россиядан Италияга кўчиб ўтиш ва тезда ўйинга киришиб кетиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Элдор эпчил ва ҳужумни зое кетказмайдиган, рақибларини ҳам, жамоадошларини ҳам ҳурмат қиладиган футболчи. Унда фақат битта камчилик бор. У қўполлик, жангарилик қилмайди. Шунингдек, унга бироз такаббурлик ҳам етишмайди. Дунё футболи бугун тўлиқ шайтоний кайфиятга ўтиб олган. Бизнинг Шомуродов Италияда жудаям тоза футбол ўйнаш билан бирга, ўзбек менталитетини ва унинг ҳар нарсадан устун туришини намойиш этмоқда. Буни европаликлар қайдан тушунишсин?

Элдор атрофидаги бугунги воқеаларга қайтадиган бўлсак, у «Спартак»ка ўтмай жуда тўғри қилди. Россия спорти санкциялар остида қолиб кетгани ҳаммага маълум. Таклиф киритаётган «Галатасарой» (Туркия) эса кучли бешлик даражасидаги жамоа эмас. Элдорнинг олдида ҳозир битта муҳим йўл бор. У тезлик билан олифта Жозе Моуринионинг таъсиридан қутулиши керак. Моуринио деганлари бугунгача Касильяс, Шевченко, Чех сингари ўнлаб юлдузларнинг шаштини синдирган мураббий.

Бас, шундай экан, Шомуродов ўз келажаги ҳақида жиддий ўйлаб кўриши лозим. Муҳими, Европадан ўзига қулай ва имкониятларини кўрсатишга имкон берадиган жамоа танлаши шарт.

Биз сенга ишонамиз, Элдор!

**Нормурод МУСОМОВ,**
«ISHONCH»







# Салом, дўстим!.. Хайр, «дўстим!..»

Ҳаётий ҳикоя

Иш вақтим тугаб, эндигина уйга отланаётгандим. Кутилмаганда телефон жиринглаб қолди. Эринибгина гўшакни кўтардим. Нариги томондан овоз эшитилди:

– Салом, дўстим! Қалайсиз, аҳволларингиз яхшими?..

– Раҳмат, ўзларидан сўрасак?

– Мени танияпсизми?..

Овоз танишдек эди. Аммо дабдурустдан кимники эканини ажрата олмадим. Шунга қарамай, сир бой бергим келмади.

– Ҳа, бўлмасам-чи, – дедим шодон кайфиятда. Кейин уни тилидан тутмоқчи бўлдим. – Фақат шу... Исмингизни сал эслолмай турибман.

– Ана, шунақа-да! – Суҳбатдошим ўпкалагандай бўлиб, жим қолди. Бир оз ўтгач, жиддий ва тантанавор оҳангда сўз бошлади. – Менким, эълон қилинмаган халқаро «Олтин коса» мукофотининг лауреати «Жазава» ансамблининг бадиий раҳбари...

– Э, бўлди-бўлди! Наҳотки, бу сизсиз?.. – ҳаяжонимни босолмаган кўйи шоша-пиша сўрадим. – Эсон-омон қутулиб келдингизми? Қачон чиқдингиз? Ҳозир қаердан қўнғироқ қиляпсиз?..

– Келганимга бир ойдан ошди. – Гўшакдан чуқур хўрсиниқ эшитилди. – Ўтган куни бир иш билан Тошкентга тушувдим. Бугун қайтаяпман. Ҳозир вокзалдаман. Қирқ минутдан сўнг поездим жўнайди. Бекор тургунча бекор ишла деганларидек, зерикканимдан сизга телефон қилиб турган жойим. Яхшиямки, рақамларингиз ўзгармаган экан.

– Шошманг, – дедим мен унинг сўзини бўлиб. – Қолганини кейин гаплашамиз. Бугун ҳеч қаерга кетмайсиз. Бизникида қоласиз. Мен бир зумда етиб бораман.

Суҳбатдошимнинг эътирозларига қулоқ солиб ўтирмадим. Гўшакни қўйдиму, кўчага отилдим. Дуч келган машинага ўтириб, вокзал томон борарканман, талабалик йилларимни эсладим.

Ўша кезлар нақ оловнинг ўзи эдик. Йигирма етти нафар курсдош – йигирма етти олам эдик. Барчамиз адабиёт ва санъатга қаттиқ меҳр қўйгандик. Орамизда бўлғуси ёзувчи-шоирлар, ҳаваскор хонандалар ҳам бор эди. Шунданми, ҳатто, ўзимизча ансамбль тузиб олгандик. Байрам ва ўтиришларда, пахта теримига ҳашарга чиққанимизда ашула айтиб, шеърхонлик қилар, ўз кўнглимизни ўзимиз чоғлаб юрардик. «Репертуаримиз» асосан шўх қўшиқлардан, ер тепиб ўйналадиган рақслардан иборат бўлгани боис ансамблимизга ўзаро ҳазиллашиб, «Жазава» деган ном бергандик. Қўлга киритган «соврин»имиз» ҳам ўзига хос бўлиб, ҳали ҳеч бир замонда, ҳеч бир жойда эълон қилинмаган «Халқаро «Олтин коса» мукофоти эди. Кўпинча даврани бошқариб боргани сабабли бояги дўстимизни «бадиий раҳбар» этиб сайлагандик...

Вақти келиб, ўқишниям тугатдик. Ҳаммамиз ҳар ёққа тарқаб кетдик. Уйли-жойли, бола-чақали бўлдик. Юриш-туришимизда, дунёқарашимизда ўзига хос ўзгаришлар бўлди. Фақат битта нарсани унутмадик. Қачон, қаерда учрашмайлик, доимо ҳазиллашиб, олтин давримизнинг беғубор ва бебаҳо ёдгорлиги «Жазава» ансамблидан сўз бошлашга одатландик. Бироқ кўп ўтмай собиқ «бадиий раҳбаримиз»га кўз тегди. У сархушлигида машина рулига ўтириб, фалокат содир қилди. Ўн гулидан бири очилмаган ёшгина йигитнинг умрига зомин бўлди. Охир-оқибат судланиб, муайян муддатга қамалиб кетди...

Мана, ниҳоят, у жазони ўтаб қайтибди. Мен шундан хурсанд эдим. Вокзалда иккимиз қучоқлашиб кўришдик. Ҳаяжонларимизга эрк бериб, андаккина кўз ёши ҳам қилиб олдик. Сўнгра бизникига кетдик.

Шу тун аллапайтга қадар мижжа қоқмадик. Дўстим «у томонлар»да бошидан кечирганларини батафсил сўзлаб берди. Аста-секин гап оқоваси собиқ курсдошларимизга ва бугунга келиб тақалди.

– Биласизми, – деди шунда у алланечук ўкинч билан, – жазо муддатини ўташ бошқа экану, озодликка чиққач, яна одамларга қўшилиб кетиш бошқа экан. Бизга ўхшаганларга кўпчилик ўгай назар билан қараркан. Ҳатто, қадрдон дўст-биродарларинг ҳам ўзини олиб қочаркан.

– Йўғ-е, нега ундай дейсиз? – Дўстимнинг кўнглини кўтармоқчи бўлдим. – Ҳали қараб туринг, ҳаётингиз аввалгидек изига тушиб кетади.

– Бунга ўзим ҳам ишонаман. Аммо... – У яна маъюсланди. – Битта сирни айтайми? – деди кўзимга тик боқиб. – Кеча эрталаб сизни ва сиз ишлайдиган ўша бинодаги бошқа таҳририятда Бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи курсдошимизни кўриб кетай деб, ишхоналарингизга борувдим. Пастдан, қоровуллар олдидан туриб қўнғироқ қилсам, сиз йўқ экансиз. «Кеча навбатчи бўлган, кечроқ келади», дейишди. Дўстимиз эса хонасида экан. Мен билан телефонда гаплашишга гаплашди-ю, лоақал номига бўлсин, «Юқорига чиқинг», демади. «Олдимда газетанинг эртанги сонида босиладиган бир уюм мақола турибди, ўқиб тугатсам, ўзим тушаман. Кутинг!» деди. Мен кутдим. Ярим соат эмас-бир соат эмас, салкам уч соат кутдим. Ниҳоят, у пастда пайдо бўлди. Мен лифтдан сал нарида – кенг даҳлиз бурчагидаги диванда ўтиргандим. Бироқ у мен томонга қиё ҳам боқмади. Ўртоқлари билан гаплашиб, гўёки мени кўрмагандай, ҳеч қанақа ваъда бермагандай, ўн-ўн беш қадам наридан бамайлихотир ўтди-кетди. Мен ўрнимдан туриб, кўришишга чоғланган кўйим қолавердим.

Дўстим яна оғир тин олди. Қўлидаги сигарета чўғига тикилган кўйи нималарнидир эслагач, гапида давом этди:

– Ҳолбуки, ўзингизнинг хабарингиз бор, талабалигимизда у мен билан битта ижарахонада яшаганди. Беш йил ичида иккимиз худди ака-укалардек қалин бўлиб кетгандик. Топган-тутганимизни ўртада тенг бўлишардик. Кеча эса... – Шу ерга келганда дўстимнинг овози титраб кетди. Кўзлари қисилиб, муштлари тугилди. Сигаретани устма-уст тортиб, қуюқ тутун бурқситди. – Кеча... – деди тишларини ғижирлатиб. – Кеча у мендан ор қилди, дўстлигимиздан юз ўгирди. Сабабини тушунаман. Ахир, у ҳозир кимсан, катта газетада ўринбосар. Мен-чи?.. Мен жиноятчиман, «ўтириб» чиққан одамман!

У шундай дея беихтиёр йиғлаб юборди. Алламаҳалгача ўпкасини босолмади. Мен бу сафар уни юпатиш учун сўз тополмадим. Майли, кўнглини бўшатиб олсин, деган хаёлда сукут сақлаб, жимгина ўтиравердим.

– Рости, бугун сизни ҳам бир синаб кўрмоқчийдим. – Дўстим совиб қолган чойдан ҳўпларкан, менга юзланди. – Хайрият, сиз юз ўгирмадингиз, мендан жирканмадингиз. Буни ўла-ўлгунимча унутмайман. Раҳмат, оғайни, минг марта раҳмат!..

Эртаси эрталаб дўстимни ўз юртига – Бухорога кузатиб қўйдим.

Ўшандан буён орадан неча йиллар ўтди. У энди ҳаётини батамом тиклаб олган. Оила қуриб, фарзандлар орттирган. Замона зайлига боқиб, укалари билан ҳамкорликда хусусий фирма очган. Иши юришиб, анча бойиб кетган. Мол олиб кетиш учун икки-уч ҳафтада бир бор Тошкентга келиб-кетади. Ҳар гал бизнинг ишхонамизга ҳам кириб ўтади. Фақат...

Фақат менинг олдимга эмас, бир вақтлар ўзи билан кўришишдан ор қилган курсдошимизнинг олдига келади. Шунча йўлдан келиб, бешинчи қаватга кўтарилган одам негадир еттинчи қаватга чиқишга, хонамга йўл-йўлакай бош суқишга эринади.

Мен унинг келиб-кетганини орқаваротдан, ҳамон Бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлаётган курсдошимиздан эшитиб қоламан. У дўстимиз келганда менга хабар бермайди, кетгандан сўнг эса мақтанишга тушади. «Собиқ ҳамхонамнинг ишлари роса авжида. Даромади зўр. Унча-мунча пулнинг бетига қарамайди. Ўтган куни икки-уч ўртоғим билан мени ресторанда обдон меҳмон қилди».

Бошқа сафар яна оғзидан бол томади: «Фалончи ўғлининг қўлини ҳалолламоқчи экан, таклифнома ташлаб кетди. Тўйига анави машҳур хонандани обормоқчи экан. Шартта йўлини топдим. Арзонроққа хизмат қилсин деб, ўша артист ҳақида газетамизда мақола чиқартирвордим. Кейин тўйга ўзим бошлаб бордим. Эвазига ҳамхонам менга тўн кийдирди. Қойилмисиз!..».

Мен қойил қоламан. Санъаткорнинг олис бир туманга бориб концерт берганига эмас, муовин курсдошимнинг «таланти»га тан бераман. Кейин чуқур ўйга толаман. Кўз ўнгимга ҳозир ўз қишлоғида «номер биринчи бой»га айланган курсдошимни эмас, негадир кечагина қамоқдан қайтиб, хонамда бевафо ҳамхонасидан нолиганча йиғлаб ўтирган курсдошимни келтираман. Унинг изтироб тўла сўзларини эслайман:

– Баъзи одамлар нега бунақа-а! Ошиғинг олчи бўлган шодон пайтларингда нима учун сенга дўст тутинадилар-у, бошингга иш тушганида нега ўзларини олиб қочадилар?..

Ажаб, бир замонлар бу сўзларни алам билан айтган курсдошим эндиликда бойиб кетган дўстимга мутлақо ўхшамайди. Ҳарчанд уринмай, уларни бир-бирига тенглаштиролмайман. Иккисининг орасида жуда катта фарқ кўраман. Сўнгра ўзим билмаган ҳолда оҳиста пичирлайман:

– Салом, дўстим, топганинг яхши кунларингга буюрсин!.. Хайр, «дўстим», ҳар ким сўзида, лафзида турсин!..

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист



МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** – (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati** – (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati** – (+998-99) 889-90-31
**Jizzax viloyati** – (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati** – (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati** – (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati** – (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati** – (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati** – (+998-99) 889-90-32
**Toshkent viloyati** – (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati** – (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati** – (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir**
A. Haydarov

**Musahhih**
D. Xudoyberganova

**Sahifalovchi**
H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti** – 22:40
**Topshirildi** – 23:00

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

**Tahririyat hisobraqami:**
2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma **G-713**
Nashr ko'rsatkichi: **133**
1 2 3 4 5 6

**Umumiy adadi 30372**

**14042** nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.